



ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Турсунова Зарнигор Рустамовна

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети

Менежмент кафедраси таянч докторанти

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-35>

ARTICLE INFO

Received: 16th February 2023

Accepted: 26th February 2023

Online: 27th February 2023

KEY WORDS

Давлат бюджети, давлат харажатлари, давлат хариди, давлат хариди принциплари, давлат харидларининг мақсади.

ABSTRACT

Ушбу мақолада давлат харидларини бошқариш, давлат харидларининг мамалакат иқтисодиётидаги ўрни, давлат харидларининг мақсади ҳақида маълумот берилган. Шунингдек Ўзбекистонда давлат харидларини бошқариш механизмлари такомиллаштириш борасида фикрлар келтирилган.

Замонавий ривожланиш даврида давлат бюджети, давлат харажатлари сарфланишини самарадорлигини оширишдаги давлат харидлари жараёни мамлакат иқтисодиёти учун сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Давлат харидларининг бош мақсади давлат бюджет маблағларидан самарали фойдаланган ҳолда давлат органлари (ташкилот, муассасалар)га сифатли ҳамёнбоп товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилардан сотиб олиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети— давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси.

Давлат харидлари — давлат буюртмачиларининг товарларга (ишларга, хизматларга) бўлган эҳтиёжларини пулли асосда таъминлаш жараёнидир.

Давлат хариди — бюджет маблағлари ҳисобига ҳукумат ёки давлат идоралари томонидан сотиб олинadиган, мамлакатда ёки чет элларда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар. Бундай харид давлат томонидан давлатнинг ўз эҳтиёжлари аҳоли истеъмолини таъминлаш ва давлат захираларини яратиш мақсадларида амалга оширилади. Мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилаётган саноат товарлари ва етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилишда давлат маълум нархлар белгилайди ва давлат буюртмачилари давлат хариди платформаларининг бири орқали ўз харидини амалга оширади.

Давлат харидларининг бош мақсади бюджет маблағларидан самарали, ҳамда оқилона фойдаланишдан иборат. Шунингдек, давлат молиявий назоратининг олдида турган энг асосий вазифа давлат бюджети олдидаги мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини ҳамда бюджет маблағларидан тежамли фойдаланишни таъминлашдан иборат.



Давлат харидларини бошқаришда Ўзбекистонда қатор ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда шунингдек давлат маблағларини самарали бошқариш, харид жараёнларида рақобат муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини ушбу соҳага жалб этиш каби қатор мақсадларни кўзлайди.

Давлат харидларининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- касбий маҳорат ва масъулиятлилиқ;
- асосланганлик;
- молиявий маблағлардан фойдаланишнинг оқилоналиги, тежамкорлиги ва самарадорлиги;
- очиқлик ва шаффофлик;
- рақобат ва холислиқ;
- мутаносиблик;
- давлат харидлари тизимининг ягоналиги ва яхлитлиги;
- коррупцияга йўл қўймаслик.

Давлат харидларини бошқаришда юқоридаги принципларга амал қилган ҳолда давлат буюртмачиси давлат хариди ҳақидаги билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлиш билан бир қаторда мунтазам равишда малакасини ошириб бориши, амалий тажрибага эга бўлиб бориши мақсадга мувофиқ.

Асосланганлик принципида давлат харидлари давлат буюртмачисининг ҳақиқий талаблари ва эҳтиёжларини самарали қаноатлантирилиши учун товар хизматларни сифат кўрсаткичлари, истеъмол хусусиятларига асосланган ҳолда амалга оширилиши керак.

Давлат буюртмачиларига давлат харидларини амалга ошириши учун ажратилган маблағларни ҳисобга олган ҳолда молиявий маблағлардан тежамли, оқилона фойдаланишни таъминлаш давлат харидларини бошқаришда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Давлат харидларини амалга ошириш орқали иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар ўртасида рақобат юзага келиб, товар ва хизматларнинг сифатини ошириб, ўз товар ва хизматларини давлат бюджет ташкилотларига таклиф қилиши орқали мамлакат маҳаллий ишлаб чиқариш янада такомиллаштирилишига сабаб бўлади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи тадбиркорлар рақобатбардош сифатли ҳамда ҳамёнбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариши учун давлат хариди туртки бўладиган омилларидан бири ҳисобланади.

Давлат харидини амалга оширишда:

- давлат буюртмачисининг давлат харидларини ўтказиш харажатларини ва товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қийматини ҳисобга олиш;
- давлат харидлари учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш, шу жумладан, товарларни (ишларни, хизматларни) олишдан кўрилган наф, уларнинг сифати ва қиймати ўртасидаги мақбул нисбатни (фойдаланиш даври харажатларини ҳисобга олган ҳолда) таъминлаш;
- давлат харидларини мақбул муддатларда ўтказиш имконини берадиган оқилона ва тежамкор усулда амалга оширилиши керак.



Ўзбекистонда давлат харидларини бошқариш механизмларини такомиллаштириш бўйича қатор чора тадбирлар, ислохотлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу ислохотларнинг мақсади давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари ҳисобидан бюджет ташкилотлари, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалардан маблағ олувчиларнинг эҳтиёжлари учун товар, хизматларни муқобилини сотиб олишга эришишдир.

Ўзбекистонда давлат харидлари жараёни қуйидагилар орқали:

- Ҳисоб палатаси,
- Бош прокуратура,
- Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги
- Молия вазирлиги томонидан харид қилиш тартиб-таомиллари устидан мониторинг, давлат назорати ўрнатилади.

Давлат харидини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги элементлардан фойдаланиш самарали ҳисобланади:

- давлат харидини юзасидан илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш
- давлат хариди сиёсатини давлат иқтисодий сиёсати мақсадларига мувофиқлаштириш
- давлат хариди соҳасидаги амалга оширилаётган сиёсатни мониторинг ва баҳолашни татбиқ этиш.

Давлат эҳтиёжлари учун харидни амалга ошириш механизмнинг самарали бўлиши кўп жиҳатдан давлат хариди учун қарор қабул қилаётган давлат хизматчиларининг квалификация даражаси, профессионал тайёргарлиги ҳаққонийлигига боғлиқ. Кўпгина давлатларда давлат хариди билан шуғулланадиган ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш бевосита ҳукуматнинг зиммасига юклатилган вазифа ҳисобланади.